



Раъно БЕГМАТОВА
катта ўқитувчи
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРУВЧИ ОМИЛ

Муаллиф компетенция ва компетентлик тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиб беришга ҳаракат қилган. Компетенция ва компетентликнинг таълим сифатини оширишда муҳим омил эканлиги мисоллар орқали ёритилган.

Автор раскрывает смысл и содержание понятий компетенция и компетентность. Показывает, что эти понятия – важный фактор в повышении качества образования.

The essence of competence and competence as a pedagogical phenomenon and the idea of competence approach as a factor of increasing efficiency of education have been presented in the article.

Калит сўзлар: компетенция, компетентлик, компетенциявий ёндашув, педагогик-психологик назария ва амалиёт, билим, кўникма, малака, шахсий сифатлар, таълим жараёни.

Ключевые слова: компетенция, компетентность, компетентный подход, педагогико-психологическая теория и практика, знание, навык, квалификация, индивидуальные качества, процесс образования.

Key words: competence, competent approach, pedagogical and psychological theory and practice, knowledge, skill, qualification, personal qualities, education process.

Тил ўрганувчи талабаларнинг таълим муассасасида олган билимлари уларнинг кундалик ҳаётда дуч келиши мумкин бўлган таниш ва нотаниш вазиятларда фойдаланишига яроқли бўлиши керак. Бу ҳақда фикр юритиш учун компетенциявий ёндашувни методологик асос сифатида танлаб олинди. Аввало, компетенция сўзининг маъносини изоҳлаш муҳим. Латин тилидан ўзлашган “компетенция” сўзи “ўз касбига яроқли, лойиқ” деган маънони

англатади. Компетенция нафақат олинган назарий билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуаси, балки эгалланган назарий ва амалий билим, кўникма ва малакалар мажмуини амалиётга мустақил ва ижодий қўллаш олиш даражасидир.

Айрим давлатларда шу пайтгача мавжуд бўлган “профессионализм” тушунчаси ўзига нисбатан кенгроқ мазмун касб этувчи компетенция сўзи билан ўрин алмашмоқда. Профессионализм категорияси фақат муайян фан бўйича чуқур билимга эга бўлишдир. Компетенция эса нафақат касбий билимларни, балки психологик ва қисман фалсафий билимларни ҳам эгаллаш зарурлигини тақозо қилади. Амалий аҳамиятга эга бўлган компетенциявий ёндашув касбий билимлар ва танланган фан бўйича фаолият юритиш учун зарур малакалар йиғиндисидир.

Таълимда компетенциявий ёндашувнинг баъзи олимлар томонидан “билим, кўникма ва малака” категорияларига қарама-қарши қўйиб қўлланилиши кузатилади. Бундай муносабат – қараш бир жиҳатдан тўғридек. Унинг тўғрилиги шундаки, бу учлик асосида “билим” бериш ётади, у бозор иқтисодиёти шароитини ҳисобга олмайди. Компетенциявий ёндашув асосида эса нафақат билим, балки малака ва турли қобилиятлар шакллантирилади ҳамда ривожлантирилади. Зеро, компетенциявий ёндашув ўз ичига нафақат лингвистик билимларни, балки психологик, фалсафий ва ҳаётий билимларни қамраб олади, унинг қўлланилиши олимлар томонидан глобал оммавий коммуникацияни ривожлантириш ва информацион даврда жамият имкониятларининг таълим талабларига мос мазмун ўзгариши негизи сифатида таъминланади, деб қаралмоқда.

Бугунги педагогик-психологик назария ва амалиётида “компетентлик” ва “компетенция” тушунчалари бир вақтда қўлланилмоқда. Қисқа қилиб айтганда, компетенция, таълим олувчиларнинг таёргарлигига аввалдан қўйилган талабларни аниқлаш, компетентлик шахснинг мавжуд сифатлари ва қўйилган доирага, соҳага муносабати бўйича шахс фаолиятининг минимал тажрибаси билан белгиланади. Немис тилида оммалаштирилган илмий-амалий адабиётларда фақат бир сўз компетенция шаклида қўлланилиб, Хилберт Мейр ўқувчи ва ўқитувчи компетенцияларини алоҳида изоҳлаб, бу атамани, айниқса, ўқувчига йўналтириш лозимлигини таъкидлаб шундай дейди:

– Компетентли ўқувчи “қуруқ билим” соҳиби бўлиб қолмасдан, ўз билимларидан юзага келадиган вазиятларда етарлича фойдалана олади, у хотирасида тез тикланадиган (фаол) билимлар мазмунига эга.

– Компетентли ўқитувчи эса педагогик фаолиятида ўзига ишонган ҳолда, ўзини қийнамасдан (соғлигини асраган ҳолда) назокат билан дарс бера олади. Бундан ташқари, у таълимдаги қийинчиликларни англаган ҳолда ўз устида ишлашга тайёр туради.

Компетенция сўзининг кўпликдаги маънони ифодалашини, унинг муайян системани ташкил қилиши, бу системадаги тушунчаларни алоҳида ажратиб олган ҳолда машқ қилиб бўлмаслиги, бир сўз билан айтганда, унинг қобилиятлар жамламаси эканлиги эътироф этилган(1).



америкалик олим Ж. Равен компетентлиликнинг 37 турини таъкидлаб ўтади. Улар жумласига: аниқ мақсадга эришиш учун устувор йўналишни идрок қилиш қобилияти, ўз фаолиятини назоратда тутиш, фаолият жараёнига ҳиссиётларни йўналтириш, мустақил таълимга тайёр туриш, қайта алоқадан фойдаланиш, ўзига ишонч, шахсий назорат, ишга киришиб кета олиш: иложсизлик ҳиссининг бегоналиги, келажакни яхши тасаввур этиш, мавҳумлаштиришга мойиллик, мақсадга эришишга боғлиқ муаммоларга диққатни қарата билиш, мустақил тафаккур, оригиналлик, танқидий тафаккур, мураккаб масалаларни еча билиш қобилияти, баҳсли масалаларни ечишга тайёрлик, меъёрли таваккал қилиш, тақдирга тан бермаслик, жамиятнинг инновацияларни яхши қарши олишига бўлган ишончнинг мавжудлиги, натижанинг ижобийлиги ва икки томонлама фойдали эканлигини мақсад қилиб олиш, қатъиятли(саботли), ишончли, ўзини мақсадга мувофиқ тутиш қоидаларига буйсуниш, қарор қабул қилиш қобилияти, жавобгарлик ҳисси, мақсадни кўзлаб ҳамкорликда ишлай билиш қобилияти, мақсадга эришиш йўлида бошқаларни ҳам ишга ундай олиш қобилияти, ўзгаларни тинглай билиш ва уларнинг фикрларини ҳам инobatга олиш қобилияти, ҳамкорларининг имкониятларига субъектив баҳо беришга уриниш, бошқаларнинг мустақил қарор чиқаришларига йўл бериш, ўзаро

нифоқларни ҳал қилиш ва ихтилофларни мўтадиллаштириш, бировнинг қўл остида фаолият юритаётган пайтда самарали ишлаш қобилияти, турли услубдаги яшаш тарзига нисбатан бағрикенглик, сиёсий плюрализмни тушуниш, ташкилий ва жамоавий режалаштиришга тайёрлик кабилар киради.

Ҳар бир талаба ҳамда ходим эгаллаши зарур бўлган ушбу компетенциялар қатори бугунги кунда нафақат касбий, балки юксак инсоний фазилятлар эгаси бўлиш давр талаби эканлигидан далолат беради.

Бу борада жиддий методологик-назарий таҳлил олиб борган Россия академиги И.А.Зимняя ушбу ёндашувни “натижали таълим”(2)ни мақсад қилган ёндашув деб таърифлаб, унинг амалиётга йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Биз қуйида анънавий таълим ва компетенциявий ёндашувга асосланган таълимда мавжуд бўлган бир нечта фарқларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Зеро, бу жараёнда нафақат талабанинг ўрни, балки ўқитувчининг вазифалари ҳам батамом ўзгаришларга учрайди.

	Аввал	Ҳозирда
Талаба	Объект сифатида	Субъект сифатида
Ўқитувчи	Асосий билим берувчи	модератор, фасцилитатор
Методлар	Таржима-грамматик метод	Интерактив методлар
Тайёрлаш	Конвейр сифатида	Серияли
Маъруза	Вербал маъруза	Интерактив маъруза

Мамлакатимиз давлат таълим стандартларида қайд этилган компетентли мутахассис тайёрлаш мақсади таълим мазмунинигина эмас, ўзлаштириш воситалари ва таълимни ташкил қилиш жараёнини ҳам ўзгартиришга олиб келади. Ушбу ёндашув нафақат билим, кўникма ва малака бирлигини, балки шахсий сифатларнинг интеграллашуви натижасида мақсадга эришишни таъминлайди.

Ўқув фаолияти инсоннинг икки турдаги фаолиятини ўзлаштиришга қаратилган. Биринчиси – амалий (эстетик ва бошқалар), иккинчиси – ўқиш фаолиятини ўрганиш (қандай ўқишни ўрганиш). Кўп нарсани биладиган, лекин ҳеч бир фойдали ишни амалга ошира олмайдиган ўқувчининг(3, 22) жамиятга ҳам, ўзига ҳам фойдаси тегмайди. Шу сабабли ўқув фаолиятдан кўзланган асосий пировард мақсад – фаолиятни амалга оширишига ёрдам берадиган компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Хуллас, компетенциявий ёндашувни таълим жараёнига татбиқ қилиш касбий тайёргарликнинг муҳим таркибий қисми – компоненти бўлиб,

назарий ҳамда амалий билимларни биргаликда қўллай олиш қобилиятини ўз ичига олган таълим ва тарбия беришнинг ташкилий-педагогик тизимидир.

Фойдаланилаган адабиётлар

1. Meyer H., Klapper A. Unterrichtsstandards für ein kompetenzorientiertes Lernen und Lehren. – Berlin, 2009
2. Зимняя И.А. Социальная работа как профессиональная деятельность //Социальная работа / Отв. ред. И.А.Зимняя. Вып. 2. – М., 1992.
3. Волкова, А. Н. Формирование ключевых компетентностей у студентов 1 курса языкового факультета в процессе обучения иноязычному общению / А. Н. Волкова: автореф. ... канд. пед. наук. - СПб., 2005. - 22 с.